

БАНК АЖБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 9 (980), 2015 йил 4 март

www.banknews.uz

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ҳисоб палатасининг ҳисоботи кўриб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2014 йилги фаолияти муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда ўтган йили Ҳисоб палатаси ишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берилган устувор йўналиш ҳамда вазифалар ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилгани таъкидланди.

Ҳисоб палатасининг 2014 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботда палата ўз фаолиятида давлат ва маҳаллий ривожланиш дастурларининг ижроси, маблағлардан мақсадли фойдаланиш, иқтисодиётимиз барча тармоқларининг жадал ривожланиши таъминлаш учун мўлжалланган Давлат бюджетининг самарали бажарилишини ўрганишга алоҳида эътибор қаратгани қайд этилган.

Ҳисоб палатаси Бюджет кодексининг 96-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги солиқ ва бюджет сиёсати ҳамда лойиҳаси асосий йўналишларининг мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мувофиқлигини таҳлил қилди. Бундан ташқари, палата томонидан Давлат бюджети харажатлари таҳлил

этилиб, иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва бошқа ижтимоий тўловлар бўйича сарф-харажатларнинг бюджет маблағлари билан таъминлангани баҳоланди.

Ўтган йили бюджет маблағларидан қонуний ва мақсадли фойдаланиш бўйича ўтказилган текширувлар Ҳисоб палатаси фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Текширувлар натижаларига кўра, қатор молиявий қонунбузарликлар, хусусан, давлат бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланди.

Депутатлар бундай қонунбузарликларга йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Ҳисоб палатаси ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қонунчиликка, шу жумладан, қонуности ҳужжатларга тегишли ўзгартишлар киритиш учун текширувлар яқунлари юзасидан фикр ва таклифлар билан алмашишни таклиф қилди.

Куйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси Ҳисоб палатасининг 2014 йилги фаолияти ҳисоботи тўғрисидаги масалани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритиш ҳақида қарор қабул қилди.

ЎЗА материали асосида.

Электрон тўловлар ва интерактив хизматларни ривожлантириш омиллари

Тошкент молия институтида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон банклари Ассоциацияси билан ҳамкорликда «Банк тизимида электрон тўловлар ва интерактив хизматларни ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, тижорат банклари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, илмий-тадқиқотчилар ҳамда талабалар иштирок этди.

Мазкур тадбир мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2013 йил 27 июндаги «2013-2020 йилларда



Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларида

белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

«BankExpo-2015» кўргазмаси энг сара банк хизматларини тақдим этади

Жорий йилнинг 3 март куни пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ўзбекистон банклари Ассоциацияси томонидан банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари – «BankExpo-2015» VIII миллий кўргазмаси ўтказилишига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.



Ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этилаётган навбатдаги кўргазма 2015 йилнинг 12-13 март кунлари «Кўргазма Савдо маркази» кўргазмалар мажмуида бўлиб ўтади. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси, Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари Ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 3 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | | | | | | | |
|-------------------------|---------|--------------------|---------|--------------------|---------|--|---------|
| 1 Австралия доллари | 1916,75 | 1 Канада доллари | 1973,33 | 1 Норвегия кронаси | 321,67 | 1 евро | 2792,50 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3798,47 | 1 Хитой юани | 393,27 | 1 Польша злотийси | 664,85 | 10 Жанубий Корея вони | 22,41 |
| 1 Дания кронаси | 369,72 | 1 Кувайт динари | 8321,34 | 1 Сингапур доллари | 1808,55 | 10 Япония иенаси | 205,81 |
| 1 БАА дирҳами | 671,64 | 1 Россия рубли | 40,26 | 1 СДР | 3471,83 | *) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган. | |
| 1 АҚШ доллари | 2466,86 | 1 Украина гривнаси | 88,85 | 1 Туркия лираси | 983,44 | | |
| 1 Миср фунти | 323,31 | 100 Ливан фунти | 163,91 | 1 Швеция кронаси | 295,35 | | |
| 1 Исландия кронаси | 18,50 | 1 Малайзия рингити | 680,04 | 1 Швейцария франки | 2583,64 | | |

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи:

1 USD ▲ 2466,86 – (2460,32) | 1 EUR ▼ 2792,50 – (2807,27) | 1 GBP ▲ 3798,47 – (3783,23) | 10 JPY ▼ 205,81 – (206,87)

TO'LOV TIZIMLARI

Электрон тўловлар ва интерактив хизматларни ривожлантириш омиллари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давра суҳбати давомида тижорат банкларининг электрон тўловлари ва интерактив хизматларини янада такомиллаштириш, хўжалик субъектлари ва аҳолига кўрсатилаётган банк хизматлари сифати ва қулайлигини ошириш, пластик карточкалари орқали амалга оширилаётган электрон тўловлар ҳамда масофавий хизмат кўрсатиш тизимларини янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди. Шунингдек, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган интерактив банк хизматларини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.



– Ягона интерактив давлат хизматлари портали давлат ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган интерактив давлат хизматларидан фойдаланишнинг қулай манбаи ҳисобланади, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш маркази бўлим бошлиғи Бахтиёр Умаров**. – Ягона интерактив давлат хизматлари портали фойдаланувчиларга давлат ташкилотларига бўладиган мурожаатларини тўғридан-тўғри амалга ошириш, фойдаланувчиларни ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги бошқа лойиҳалар билан интеграциялаш, фойдаланувчиларнинг давлат ташкилотлари билан ўзаро муносабатлари самардорлигини ошириш, фойдаланувчиларнинг давлат ташкилотларига мурожаатларида учраши мумкин бўлган буйруқбозлик ҳолатларига оид тўсиқ ва чекловларга йўл қўйил-

маслик, «Электрон ҳукумат»нинг ривожланишига кўмаклашиш ва давлат бошқарувида замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш имкониятини яратади. Таъкидлаш ўринлики, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида тақдим этилаётган хизматлар доираси доимий кенгайтириб борилмоқда. Агар портал ташкил этилган сана – 2013 йилнинг ўрталарида фойдаланувчиларга 40 га яқин интерактив хизмат тақдим этилган бўлса, жорий йилнинг 1 февраль ҳолатига келиб, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 220 дан зиёд хизмат туридан фойдаланиш имконияти мавжуд. Ҳозирда тизимга 600 дан ортиқ ташкилот уланган бўлиб, ўтган вақт мобайнида давлат ташкилотларига 139 мингдан зиёд мурожаатлар етказилди ва уларнинг 93 фоизи ўрганиб чиқилган ечими топилган бўлса, қолган 7 фоиз мурожаатлар устида ишлар олиб борилмоқда. Тизимда SMS-тасдиқлаш, фойдаланувчининг идентификацияси, банк пластик карталари орқали хизматлар учун ҳақ тўлаш каби қўшимча хизматлар ҳам йўлга қўйилган. Бундан ташқари, фойдаланувчилар ўз мурожаатларини бир вақтнинг ўзида 5 та давлат ташкилотига йўллаш имкониятига ҳам эгалар. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, уларнинг тижорат банклари билан узвий интерактив ҳамкорликни амалга оширишларида ҳам кўплаб қулайликлар мавжуд.

Бугунги кунда республикамиз барча тижорат банкларининг интернет тармоғида корпоратив веб-сайтлари муваффақиятли фаолият кўрсатиб, жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган банк хизматлари ва уларнинг шартлари ҳақида батафсил маълумот тақдим этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 16 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли қарорида биноан юридик ва жисмоний шахсларга «Интернет-банкнинг», «Мобиль-банкнинг» ва «SMS-банкнинг» каби масофадан банк хизматлари кўрсатишнинг инновацион тизимлари фаол ривожланмоқда. Хусусан, масофавий банк хизмати кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчи мижозлар сони 2011 йил бошидаги 24,5 мингдан 2015 йил 1 январь

ҳолатига келиб, 534,8 мингга етди, бу эса охириги 5 йил мобайнида ушбу кўрсаткичнинг 21,8 баробарга ошганлигини кўрсатади. Шунингдек, «SMS-банкнинг» ва «Мобиль-банкнинг» хизматларидан фойдаланувчи мижозлар сони жадал суръатлар билан ўсиб, охириги 5 йил давомида 45 баробардан юқори, яъни 10,3 мингдан 472,6 минггача кўпайди.

Электрон тўловлар тизимида ҳам фаоллик кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банклараро тўлов тизими орқали ўтказилган транзакциялар сони 2010 йил якунлари бўйича 35,5 млн. дан 2014 йилда 60,0 млн. гача етди, яъни охириги 5 йил мобайнида бу кўрсаткич 1,7 баробарга ўсди. Ўтган давр мобайнида амалга оширилган транзакцияларнинг умумий ҳажми эса 1,82 баробарга ошди.

– Банклараро универсал неттинг ахборот тизимининг асосий вазифалари тўловлар ва хабарларни тўплаш, шакллантириш ва қайта ишладан иборат бўлиб, сўнгги ҳисоб-китобни амалга оширишда тизим иштирокчиларининг кўп томонлама соф мавқеини аниқлашга қаратилган, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тўлов тизими ва ахборот технологиялари департаменти директори ўринбосари Дилшод Сариходжаев**. – Ушбу тизим



аҳоли ва кичик бизнес субъектларига кўрсатилаётган банк хизматларини оптималлаштириш, тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини янада яхшилаш ва очиқлигини таъминлаш, шунингдек, тижорат банкларининг банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланишида масъулиятини кучайтиришга хизмат қила-

ди. Шу билан бирга, тизим тижорат банкларига ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун лозим бўладиган Марказий банкдаги вакиллик ҳисоб рақамларида катта миқдорда пул сақлашга бўлган заруратларини камайтириш, тизимда тўловларни ўтказиш жараёни билан боғлиқ молиявий тавakkалчиликларни пасайтириш имконини беради.

2013 йил сентябрь ойидан буён Банклараро универсал неттинг ахборот тизимининг клиринг маркази фаолият юрита бошлаб, шу вақтдан эътиборан Ягона умумреспублика процессинг марказидан ахборотларни қабул қилиш, неттинг ташкил этиш ва банклар учун гросс тизим орқали тўловларни шакллантириш амалга оширилди. Банклараро универсал неттинг ахборот тизими фаолиятининг чакана тўловлар борасидаги асосий вазифаси банклардан ҳужжатларни қабул қилиш ва текшириш, тўлов ҳақидаги маълумотларни хизмат билан таъминловчининг биллинг тизимидаги етказиб бериш, клирингни амалга ошириш ва тўловга доир ҳужжатларни шакллантиришдан иборатдир.

Пластик карталардан фойдаланувчилар ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи тўлов терминаллари сони ҳам юқори суръатларда ўсиб бормоқда. Хусусан, муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 1,7 баробарга, яъни 2011 йил бошидаги 7,9 млн. дан 2015 йил 1 январь ҳолатига келиб, 13,4 млн. донага етди. Ўтган даврда ўрнатилган тўлов терминаллари сони 1,8 баробарга, яъни 85,7 минг донадан 158,8 минг донага етди. Пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада кенгайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида сўнгги 5 йилда тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 5,7 трлн. сўмдан 22,8 трлн. сўмгача ошди.

Давра суҳбати якунида банк тизимида электрон тўловларни янада ривожлантириш ва интерактив хизматларни кенг жорий этишнинг устувор йўналишлари, банк пластик карточкаларидан фойдаланиш ва банк мижозларига масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари кўламини янада кенгайтириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бобур САТТОРОВ.

Энг яхши пластик карточкалар эквайери бўлган банк

«Asia Alliance Bank» акциядорлик-тижорат банки мамлакатимиз молия бозорида нисбатан ёш бўлишига қарамай ўзининг аниқ белгиланган стратегик йўналишида одим ташламоқда.

Банк-молия соҳасидаги барча маҳсулот ва хизматларни ўз вақтида ўзлаштириш, самарали кредит ва депозит сиёсатини юритиб, мижозлар ишончини қозониш муассасанинг ўз олдида кўйган устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда банк Бош офисидан ташқари, пойтахтимизда 4 та шаҳар филиали ҳамда Қашқадарё вилоятида Қарши филиали, шунингдек, 10 та мини-банк, 14 та махсус кассалари орқали жами 3 мингдан зиёд корпоратив ва 73 мингдан ортиқ жисмоний шахс мақомидаги мижозларга хизмат кўрсатилмоқда.

Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича 2014 йил якунларига кўра ўтказилган танловда мазкур муассаса «Энг яхши пластик карточкалар

эквайери бўлган банк» номинацияси бўйича голиб бўлди. Ушбу йўналишда банк фаолияти билан яқиндан танишиб, ҳақиқатан ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш, бунда аҳоли қизиқишини ошириш йўлида ўзига хос мазмунли ва манзилли ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлдик.

– Ҳозирда юртимиз аҳолисининг кўп қисми ёшлар ҳиссасига тўғри келади, – дейди «Asia Alliance Bank» АТБнинг **Карталар бизнеси бўлими бошлиғи Баҳодир Абдуллаев**. – Навқирон авлод вакиллари эса янгиларга ўч, инновацион хизматларга қизиқувчан ҳисобланади. Мана шу давр талабидан келиб чиқиб, пластик карталар тизимини ривожлантиришда ушбу восита имкониятлари даражасидаги ноанъанавий жиҳатларга катта эътибор қаратаёلمиз. Бугунги кунда индивидуал турдаги пластик карталаримизга қизиқиш

катта. Уларнинг 250 дан ортиқ турини тақлиф қилганмиз. Қулайлиги мижоз ушбу картани расмий сайтимиз орқали танлаши ва «Click» тизими ёрдамида тўловни амалга ошириб, электрон тарзда буюртма бериши мумкин. 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ушбу турдаги карталаримиз эмиссияси 950 тани ташкил этди.

2014 йилда «Asia Alliance Bank»да нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, айниқса, «Click» тизими ишга ту-

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банк карталари сони 52,3 мингга (уларнинг 846 таси корпоратив карталар) етди. «Иш ҳақи» лойиҳаси доирасида 1200 дан ортиқ ташкилот ва корхона билан шартнома тузилди.

ширилганидан сўнг қизгин тус олди. Банк мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида ўз расмий сайтида «Шахсий кабинет» хизматини жорий қилди. Унга кўра, мижозлар банкдаги ҳисоб рақамлари ва пластик карталаридаги

BANK VA MIJOZ

Кўргазма ёшларда катта таассурот қолдирди

«BankExpo-2015» – банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари миллий кўргазмаси Хоразм вилоятида ҳам ўзига хос тарзда ташкил этилиб, ҳудуд аҳолиси, хусусан, ишбилармон доиралар, кичик бизнес вакиллари ҳамда ёшлар учун банк-молия тизимидаги сўнгги янгиликларни намойиш қилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва бошқа қатор давлат ва жамоат ташкилотларидан вакиллар иштирок этиб, Хоразм вилояти иқтисодий-иқтисодиёти ривожлантиришда банк тизимининг роли тобора ошиб бораётганлигини, айниқса, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилиб, халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди.

– Мухтарам Президентимиз Вазиранинг Маҳкамасининг йиғилишида банк тизимидаги ислохотлар иқтисодий-иқтисодий барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлаётганлигини алоҳида қайд этди, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Сайёра Абдукаримова**. – Дарҳақиқат, банкларимиз халқимизга елкадош бўлиб хизмат қилмоқда. Буни Хоразм вилояти тадбиркорлари ва ёшларига кўрсатаётган амалий ёрдам мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Биргина 2014 йилда вилоятимизнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш учун 292 млрд. сўмлик инвестицион кредитлар ҳамда кичик бизнес соҳасини ривожлантириш, ёшларни иш билан таъминлаш мақсадлари учун 365 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Богот, Кўшкўпир, Шовот туманларидаги тадбиркорларга 2013 йилга

нисбатан 30 фоизга кўпроқ кредитлар берилганлиги эътиборга молик. Бунинг натижасида вилоятимизда 16 мингдан зиёд коллеж битирувчилари иш билан таъминланди, юзлаб ишлаб чиқариш корхоналари ишга тушиб, вилоятнинг экспорт салоҳияти янада мустаҳкамланди.

«BankExpo-2015» Хоразм вилояти босқичида кўргазма экспозицияларининг барчаси «Банк миждо учун» тамойилига қаратилиб, унинг доирасида ўтказилган давра суҳбатлари, семинар, тақдимот ва учрашувларда ҳам ушбу шиор мазмуни акс этди.

Кўргазмада вилоятдаги тижорат банклари, лизинг ва сугурта компанияларининг маҳсулот ва хизматларига кенг жамоатчилик эътибори қаратилди. Ташриф буюрувчиларда банк тизимида яратилган ишчанлик муҳити, янги банк хизматлари, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, ёш оилалар, оилавий бизнес вакиллари, тадбиркор аёллар ва ёшлар ҳамда уй бекалари учун уй-рўзгор меҳнатини енгиллаштириш мақсадида таклиф этилаётган имтиёзлар катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазма доирасида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш микрофирмалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда ёшлар ўртасида ўтказилган танлов ғолиблари аниқланиб, улардан 57 нафарига 12,2 млрд. сўмлик имтиёзли кредит олиш имконини берувчи сертификатлар топширилди.

Назира МАВЛОНОВА.

жорий ҳолат тўғрисида маълумот олишмоқда. Хизматга улашиш ва фойдаланиш бепулдир.

Шунингдек, аҳоли муассасасининг «Интернет-банкнинг», «Мобиль-банкнинг» ва «SMS-банкнинг» хизматларидан ҳам самарали фойдаланиб келмоқда.

Бугунги кунда банк «Visa International» аъзоси сифатида халқаро (2015 йилнинг 1 январь ҳолатига 3117 та VISA) пластик карталар муомаласини ҳам ривожлантирмоқда. Бундан ташқари, банк 2014 йил бошидан «China Union Pay» (Хитой) компанияси аъзолигига қабул қилиниб, шу кунгача 320 та ана шундай турдаги карталарни эмиссия қилди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш йўлида олиб борилган ишлар самараси ўлароқ, банк 2014 йил давомида пластик карталар муомаласи ва транзакциялар сони бўйича ижобий натижаларга эришди. 10,3 минг донa EMV-Uzkart (on-line) карталарни эмиссия қилди. 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банк карталари сони 52,3 мингтага (уларнинг 846 таси корпоратив карталар) етди. «Иш ҳақи» лойиҳаси доирасида 1200 дан ортиқ ташкилот ва корхона билан шартнома тузилди. Савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарига 956 та, банк офисларига 52 та терминал ўрнатилиб, ҳисобот даврида улар орқали 538 млн. сўмлик транзакциялар амалга оширилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,5 бараварга ошган.

Наргиз АХМЕДОВА.

«BankExpo-2015» кўргазмаси энг сара банк хизматларини тақдим этади

(**Давоми. Бошланиши 1-бетда.**)

Маълумки, «BankExpo» миллий кўргазмаси мамлакатимиз Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган устувор йўналишлар ижроси доирасида ўтказилиб, банк-молия тизими ютуқлари ва истиқболдаги ривожланиш йўналишларини кенг оммага етказиш, янги технология ва хизматлар билан яқиндан таништиришга хизмат қилмоқда.

– Республика Марказий банки томонидан «BankExpo» миллий кўргазмасининг ишчан руҳда ўтказиб келинаётганлиги ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес улушининг кўпайишига ҳисса қўшиши билан бирга, банклар ўртасида соғлом рақобат муҳитининг шаклланишига ҳам имконият яратмоқда, – дейди матбуот анжуманида сўз олган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Мухаррам Дадаходжаева**. – Ўтган йили мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ва пойтахтимизда ўтказилган ушбу кўргазмаларда 92 мингдан зиёд талаба-ёшлар, тадбиркорлар ва фермерларнинг иштирок этганлиги ҳам ушбу кўргазманинг нуфузи янада ошиб бораётганлигини тасдиқлайди. Айтиш жойизки, дунёда ҳали-ҳамон дав-

вом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида айрим давлатларда йиллик фоиз ставкаларининг юқори даражада белгилаётганлиги, тадбиркорларнинг кредитлар олишда бир қанча қийинчиликларга дуч келишига сабаб бўлмоқда. Юртимизда эса Марка-

маслаҳатлар беришга қаратилмоқда.

Кўргазма дастури кенг ва ранг-баранг бўлиб, унда давра суҳбатлари, семинарлар, тақдимотлар, учрашувлар, маҳорат дарслари ташкил этилади. Тадбир иштирокчиларга нафақат маълумот олиш, балки қисқа муддат



зий банк томонидан йиллик фоиз ставкаларини йилдан-йилга пасайтириб, тадбиркорга мақбул даражада белгилаётганлиги бу борада оқилона сиёсат олиб борилаётганлигидан далолатдир. Шунинг учун ҳам аҳоли ва хорижий инвесторларнинг банк тизимида бўлган ишончи тобора ошиб бормоқда. Энг муҳими эса, ҳудудий дастурлар ва аҳолининг бандлик дастури сифатли бажарилишига қулай шароитлар яратмоқда.

Жорий йилда ўтказилаётган кўргазманинг асосий йўналиши кичик тадбиркорлик субъектлари, оилавий бизнес, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган таълим муассасалари битирувчиларига банк хизматлари бўйича маълумот ва

ичида бозорда таклиф этилаётган банк хизматлари билан танишиш, таққослаш, мутахассислардан керакли маслаҳатларни олиш, музокаралар ўтказиш имконига эга бўлади.

Тадбирда омма эътиборига Ўзбекистон банк-молия соҳасининг янги замонавий технологиялари ва маҳсулотлари, хусусан, «Интернет-банкнинг», «Мобиль-банкнинг», «SMS-банкнинг» каби банк-молия муассасалари ва миждолар ўртасидаги муносабатларни юқори поғонага олиб чиқувчи ахборот дастурлари ҳавола этилади. Бир сўз билан айтганда, кўргазма давомида банк тизими ва меҳмонларининг самарали мулоқот ўтказиши учун барча шароит яратилади.

Бекзод АКРОМОВ.

Тадбиркорлик билан келажак сари

Қашқадарёда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга бағишланган «Тадбиркорлик билан келажак сари» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг вилоят Бош бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда ёшларнинг ташаббус, ғоя ва интилишларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратила-

ётгани таъкидланди. Хусусан, йигит-қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш, уларнинг иқтисодий билим ва кўникмаларини ошириш, илғор таклиф ва режаларини кўриб чиқиш ҳамда рағбатлантириш доимий эътибордаги масала бўлиб келмоқда.

Тадбирда «Ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб қилишда қонун устуворлигининг аҳамияти», «Ёш фермерларга берилган имкониятлар», «Тижорат банклари томонидан ёшларнинг тадбиркорлик

фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган самарали ишлар», «Ёш ҳунармандларга бериладиган имкониятлар» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

– Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича тайёрлаган лойиҳамга юқори баҳо берилгани, банкдан имтиёзли кредит олиш учун имконият яратилганидан хурсандман, – дейди **касбилик Шоҳиста Бозорова**.

Тадбир доирасида вилоят Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган 56 нафар йигит-қизга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берилган сертификатлар топширилди.

ЎЗА.

BAYRAMINGIZ MUBORAK, AZIZ AYOLLAR!

Фидойилик — муваффақият мезони

Юртимизда азалдан аёлларга иззат-икром кўрсатилиб, уларни эъзозлаш ҳаётимизнинг бош мезонига айланган. Айниқса, 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида улар шаъни юксакларга кўтарилиб, оилаларда, ташкилотларда ва бутун давлат миқёсида турли байрам шодиёналари ташкил этилади. Жумладан, ушбу муҳим сана муносабати билан таҳририятимиз томонидан ҳам ҳар йили мамлакатимиз банк-молия тизимида фаолият юритаётган аёл ходимлар учун махсус байрам саҳифаси тайёрланади.

Анъанага кўра, жорий йилги айём арафасида аёл банкчиларнинг касбий ва шахсий кечинмалари билан ўртоқлашдик.

Бунда эса, бизни қуйидаги саволлар дилдан яқинлаштирди.

1. Барча байрамлар ўзига хос рамзий белгиларга эга. Жумладан, Янги йилда арча, Наврўзда эса, сумалак айём мазмунини акс эттиради. Айтинг-чи, 8 март қандай жиҳатлари билан ажралиб туради?

2. Меҳнат фаолиятида катта тажрибага эга аёл сифатида бугунги замонавий аёл сиймосига қизги берсангиз.

3. Тизимдаги тажрибангиздан келиб чиқиб, ёш мутахассисларга берадиган маслаҳатларингиз.

4. Масъул лавозимда ишлаб, юзага келадиган турли ҳаётини вазиятларда аёллик назокатини сақлаб қолишга қандай эришмоқдасиз?

5. 8 март байрами билан боғлиқ энг эсда қоларли ҳаётини воқеа билан ўртоқлашсангиз?

6. Юртдошларимизга, қолаверса, ҳамкасбларингиз бўлган барча хотин-қизларга байрам тилақларингиз.

Аёл — ҳаётга чирой бахш этувчи хилқат



Дурдона ОРТИҚОВА,

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банкининг

Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси

Пул муомаласини

тартибга солиш ва

мониторинг бошқармаси

бош иқтисодчиси.



— Менинг наздимда 8 март аёл гўзаллиги, латофати ва қадри эъзозланадиган, улар сиймоси мадҳ этиладиган кунлиги билан ажралиб туради. Биласизми, айни шунинг учун ҳам ҳар баҳорда аёл бўлиб дунёга келганимга шукр айтиб, ич-ичимдан гурурланаман.

— Бугун дунёни ахборот-коммуникация бошқармоқда. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қўйинги, инсоният онги билан боғлиқ барча жабҳалар ахборот таъсирида шаклланиб, такомиллашмоқда. Шундай экан, ўзини замонавийман деб билган аёл давр билан ҳамнафас яшашни уддалаши керак. Бирок, айни глобаллашув жараёнининг номоддий бойликларга таъсири менталитетлар софлигига дарз етказмоқда. Бу баъзи аёлларимизга замонавийлик ўлчовини тўғри олишларига ҳалақит бермоқда. Бундай вазиятда оқила, дунёқараши кенг ва ўзини ҳурмат қиладиган аёллар юзи ёруғ бўлмоқда. Бундан ташқари, мен учун замонавий аёл сиймоси ўз ишига фидойи, келажакка ишонч руҳида боқувчи, ижодкорлик ва бунёдкорликка интилувчан фазилатлар билан акс этади.

— Бугунги ёшлар қизиқув-

чан, интилувчан, хорижий тилларни ўрганишга мойил, замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан мукаммал ишлай олади. Маслаҳат сифатида уларга ана шу шижоатни йўқотмасликларини, доим ўз устиларида ишлашни қанда қилмасликларини айтиб қоламан.

— Чиндан ҳам, умр рангбаранг йўллардан иборат. Уни тўғри бошқариш, мазмун киритиш, чирой бахш этиш кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқдир. Ҳар қандай аёл учун эса бу борадаги пойдевор она нафаси, хатти-ҳаракати билан қўйилади. Қолаверса, у йиллар давомида ёру дўст, жамоа таъсирида ҳам сайқал топиб бораверади.

Айни дамда ушбу мавзу юзасидан ёдимга шеърини мисралар тушди:

— Биласиз, ҳақиқий байрам (у қандай номланишидан қатъи назар) нафаси кўпроқ болажонлар руҳида бекаму кўст намоён бўлади. Чунки айнан байрам шуқуҳига хос ҳис-ҳаяжон, энтиқиш улар қалбини тамоман забт этади. Менинг ҳам қалбимда

байрам билан боғлиқ ёрқин лаҳзалар ўсмирлик чоғларимда муҳрланган. У кунлар ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди ва қалбим бисотидаги энг бебаҳо тухфа бўлиб қолаверади.

— Азиз аёллар яна бир баҳор муборак! Қалбингиз фасл ҳавосидек мусаффо бўлсин. Барчангизга тансиҳатлик, бахту саодат ва оилангизга тинчлик-хотиржамлик тилайман. Эзгу мақсад сари интилишларингиз ўз вақтида бўй кўрсатиб, хушнуд кунларингизга янада мазмун киритсин. Ҳамиша гўзаллик ва латофат эгаси сифатида яқинларингиз ардоғида бўлинг.

*Сабрни сув қилиб симириш керак,
Болиш деб бардошга бош қўйиш керак,
Юрак ўрнига гоҳ тош қўйиш керак,
Ўшанда оқила аёл бўласан.*

*Бемор бўлганинда кулиб туролсанг,
Дардинг тўлганида ичга ютолсанг,
Орзу-умидингни четга суролсанг,
Ўшанда оқила аёл бўласан.*



Саҳифани Назира МАВЛОНОВА тайёрлади.

Замонавий аёл жамият тақдири билан яшайди



Людмила БОДЯГИНА,
Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий
фаолият миллий
банкнинг Пул муомаласи
департаменти директори.

— 8 март барча аёллар каби мен учун ҳам, аввало, баҳор фаслининг кириб келиши, хотин-қизлар шаънининг улуғланиши ва албатта, гуллари билан аҳамиятлидир. Минг шукрки, Мустақиллигимиз туфайли бугунги кунда ушбу байрам гўзаллик, оқиллик ва аёллар сиймосининг тимсоли бўлиб қолди.

— Менинг фикримча, замонавий ҳаётнинг тезкор суръатида аёл барибир энг аввало ўзининг табиат томонидан берилган энг олий неъматини — оналик вазифасини бажариши лозимдир. Агар у ҳақиқий аёл бўлса, оналик бурчи ва уй ишлари билангина чекланмайди, жамиятнинг у ёки бу жабҳасида ҳам профессионал даражага эришади. Ҳозирги кунда ораимизда нафақат ўз яқинлари, балки ўзгалар ташвишига ҳам бефарқ бўлмаган аёллар кўп. Бундай муаммолар ечимини топишда фаол қатнашаётган хотин-қизларни жамият устуни дейишимиз мумкин. Мана шундай кўнгли ҳис-туйғуларга бой, қалби дарё, укувли ва зийрак, ҳам оиласи, ҳам жамият тақдири билан яшаётган аёлларни бугунги замон аёллари дейишимиз мумкин.

— 1969 йилда олий ўқув юртини тамомлаб, банк соҳасига ишга кирганман. Мана, ушбу тизимдаги меҳнат фаолиятимга ҳам 46 йил бўлибди. Ўтган давримдан ҳеч ҳам афсусланмайман. Яна қайта касб танлаш имкони берилса, ҳеч иккиланмай шу соҳани танлардим. Давлат банки Тошкент шаҳридаги бўлимларининг бирида кредит инспектори сифатида иш бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Пул муомаласи департаменти директори лавозимига

кўтарилдим. Мўъжиза рўй бериб, вақт чархпалаги орта сурилса, яна қайтадан ушбу йўлларни босиб ўтган бўлардим.

Кўпқиррали банк соҳаси ҳар бир ходимдан касбнинг нозик сирларини тизимнинг энг қуйи тузилмаларидан бошлаб аста-секин, босқич-ма-босқич равишда ўрганиб боришни тақозо қилади. Ҳақиқий банкчи бўлишни истаган бўлгуси ёш мутахассисларга ҳар қандай ишга кўркмасдан дадиллик билан киришишларини ва, қолаверса, тизимда муайян тажрибага эга бўлмасидан юқори лавозимга интилмаслигини маслаҳат берган бўлардим. Зеро, бугунги кунда банк тизими олдида жуда масъулиятли вазифалар қўйилмоқда. Буларни фақат ва фақат кенг дунёқарашга эга, муҳим масалалар юзасидан мустақил ва самарали қарорлар қабул қила оладиган соҳа мутахассисларигина еча олиши мумкин.

— Ҳақиқатни тан олиш керак, баъзида ишга шўнғиб кетган чоғимизда аёллигимиз ёдимиздан чиқиб кетади. Албатта, шундай аёлларимиз ҳам борки, (буни гурур билан айта оламан) улар ўзларининг нозик хилқат эгаси эканлигини унутмаган ҳолда эркакларга нисбатан масъулиятлилик, ташкилотчилик, зиммасидаги вазифаларга жавобгарлик ҳиссини кучлироқ ҳис этиб, юқори раҳбарлик лавозимларини бошқариб келмоқда.

— Мазкур айём билан боғлиқ энг эсда қоларли воқеа 1977 йилда содир бўлган. Чунки шу йили мен байрамни ҳам келин, ҳам бўлгуси она сифатида илк бор янги оилам (аслида қиз бола турмушга чиққан оила унинг ҳақиқий уйи ҳисобланади)да қарши олганман. Биласиз, аёл учун оналик бахти дунёдаги ҳар қандай мавқедан устун, шону шарафдан юксак ва, ўз навбатида, ўта масъулиятли вазифа ҳамдир.

— Яқинлашиб келадиган Халқаро хотин-қизлар байрами билан барча ҳамкасбларим ва диёримиз аёлларини чин қалбимдан табриклаб, уларга соғлиқ, меҳр-муҳаббат ва бахт тилайман. Энг муҳими, юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги абадий бўлсин. Чунки тинчлик ҳукм сурган ўлкада биз, аёллар хотиржам фарзандлар тарбияси билан машғул бўламиз, турмуш ўртоғимиз ва яқинларимизга ғамхўрлик кўрсатамиз ва сеvimли машғулотиимиз билан шуғуллана оламиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
Қ А Р О Р И

**Дастурий таъминот воситалари экспорти ва импорти тўғрисидаги
Низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 28 январь куни
2549-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги 199-сонли «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари дав-

лат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 25 ноябрдаги 61-мх, 17, 01-02/21-30, 330В-сон қарори (рўйхат рақами 2549, 2014 йил 8 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 2-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Дастурий таъминот воситалари экспорти ва импорти тўғрисидаги Низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикаси
Алоқа, ахборотлаштириш ва
телекоммуникация технологиялари
давлат қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2015 йил 26 январь, 97-мх-сон

**Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Тошкент ш.,
2015 йил 26 январь, 2015/10-2-сон

**Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2015 йил 26 январь, 01-02/21-05-сон

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раиси**

Тошкент ш.,
2015 йил 26 январь, 330-В-1-сон

Х. МИРЗАХИДОВ

Э. ФАНИЕВ

З. ДУСАНОВ

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг 2015 йил 26 январдаги 97-мх, 2015/10-2, 01-02/21-05 ва 330-В-1-сонли қарорига ИЛОВА

**Дастурий таъминот воситалари экспорти ва импорти тўғрисидаги
Низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:
«4. Экспорт шартномасига эга бўлмаган миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситала-

ри ишлаб чиқувчиси Интернет тармоғидаги онлайн магазинлар орқали дастурий таъминотни хорижий валютага сотиш, экспорт операцияларини амалга

ошириш учун электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали Ташқи савдо операциялари ягона

на электрон ахборот тизимига маълумот киритади.».

2. 5, 6-бандлар ва илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ Қ А Р О Р И

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида
2015 йил 9 февраль куни 1850-1-сон билан
давлат рўйхатидан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 19 июлдаги 16/2-сонли қарори (рўйхат рақами 1850, 2008 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 35-36-сон, 359-модда) билан тасдиқланган Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги

Низомнинг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Якка тартибдаги тадбиркор банк карталари орқали ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низомга (рўйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь) мувофиқ амалга оширилади.».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раиси**
Тошкент ш.,
2015 йил 31 январь, 2/5-сон

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Келишилган:

**Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси раиси**
2015 йил 31 январь

Б. ПАРПИЕВ

**Ўзбекистон банклари ассоциацияси
Бош директори**
2015 йил 31 январь

С. АБДУЛЛАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНинг Қ А Р О Р И

Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида
2015 йил 11 февраль куни 1986-3-сон билан
давлат рўйхатидан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги,

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2014 йил 15 апрелдаги ПҚ-2164-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 20 июндаги 18/1, 2009-20-сонли қаро-

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раиси
Тошкент ш.,
2015 йил 6 февраль, 310-В-3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси раиси
Тошкент ш.,
2015 йил 6 февраль, 2015-6-сон

ри (рўйхат рақами 1986, 2009 йил 27 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 351-модда) билан тасдиқланган Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Б. ПАРПИЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви
ва Давлат солиқ қўмитасининг
2015 йил 6 февралдаги 310-В-3,
2015-6-сонли қарорига
ИЛОВА

Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 3-банд «ёзма» деган сўздан кейин «ёки электрон шаклда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. «Ёзма мурожаатлар» ва «амалга оширилиши» деган сўзлар тегишлича «Мурожаатлар» ва «юборилиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 10-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ёзма равишда» деган сўзлар «ёзма ёки электрон шаклда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси
Савдо-саноат палатаси раиси
2015 йил 6 февраль

А. ШАЙХОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
Қ А Р О Р И

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида
2015 йил 19 февраль куни 1675-2-сон билан
давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва

«Банklar ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги ва Марказий банки Бошқаруви
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 13 мартдаги 30, 288-В-сонли қарори (рўйхат рақами 1675, 2007 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 16-сон, 168-модда) билан тасдиқлан-

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазири
Тошкент ш.,
2015 йил 16 февраль,
10-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раиси
Тошкент ш.,
2015 йил 16 февраль,
288-В-2-сон

ган Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Р. АЗИМОВ

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги,
Марказий банки Бошқарувининг
2015 йил 16 февралдаги
10, 288-В-2-сонли қарорига
ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 5-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«МТПлар, муқобил МТПлар, фермер хўжаликлари, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўздонмахсулот» АК ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналар ҳузурида фаолият юритаётган муқобил МТП масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд бўлган бошқа хўжалик субъектларининг хизматлари учун тўловларга;».

2. 10-банднинг бешинчи хатбошисидан «дебитор-кредитор қарзлар тўғрисида маълумотнома (2а-шакл) ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 14-банднинг «г» кичик банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири
2015 йил 16 февраль

Ўзбекистон Фермерлари
кенгаши раиси
2015 йил 16 февраль

«г) муқобил МТПлар, фермер хўжаликлари, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўздонмахсулот» АК ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналар ҳузурида фаолият юритаётган муқобил МТП масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд бўлган бошқа хўжалик субъектлари томонидан кўрсатилган ва кўрсатиладиган техника хизматлари учун тўловларда, маблағлар уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган махсус 23210 (23220)-сонли ҳисоб рақамларига ўтказиб берилди.».

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан келишилган.

Ш. ТЕШАЕВ

С. ТУРДИЕВ

YOSHLAR KAMOLOTI

Тижорат банклари томонидан таълим кредитлари беришнинг ҳуқуқий асоси



Абдулазиз БЕКМУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкининг
Банк тизимида
методология ишларини
мувофиқлаштириш
бошқармаси
бош мутахассиси.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг, барча соҳаларда бўлгани каби, таълим соҳасини ҳам тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Мазкур соҳани тубдан ислоҳ қилиш мақсадида ҳуқуқимиз томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ ҳолда, миллий таълимнинг таҳлили ва таълим тизимида жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри олиб билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазибаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тасдиқланди.

Мазкур Дастурда белги-ланган вазибаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, олий маълумот олаётган фуқароларнинг ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги 318-сонли қарорига мувофиқ «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги Низом» тасдиқланди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш ва уларни қайтариш тартибини белгилайди.

Тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш уларни қайтариш, тўловнинг таъминланганлиги, муддатлилиги ва улардан мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

Таълим кредитлари тижорат банклари томонидан олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун талабаларнинг ўзларига, уларнинг ота-оналарига ёки васийларига берилиши мумкин.

Тижорат банклари томонидан бериладиган таълим кредитлари, олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалавриятга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга эса 5 йилгача бўлган муддатга берилади.

Мазкур Низомга мувофиқ, тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитлари бўйича:

чин етимларга, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганларга ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига ноль фоиз ставкаси (фоизсиз кредит);



талабаларнинг қолган тоифаларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан

юқори бўлмаган ўзгарувчи фоиз ставкалари белгиланади.

Таълим кредитлари бўйича фоиз ставкаси ва тижорат банклари томонидан қўшилаётган фоизлар учун тўловлар миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгаришига қараб ўзгариши мумкин, бу кредит шартномасида қайд этилиши керак.

Кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан Иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланади.

Кўрсатиб ўтилган имтиёзга ҳуқуқли бўлган оилалар кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш ва уларга моддий ёрдам тайинлаш ва беришнинг амалдаги тартибига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аниқланади.

тариш эса талаба томонидан олий таълим муассасасида таълимнинг ушбу тури учун расмий белгиланган муддати тугаллангандан кейин, айрим курсларда такроран ўқиш муддати ҳисобга олинмасдан, уч ой ўтгандан сўнг бошланади.

Талаба муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган даврда таълим кредитлари учун фоиз ставкалари ҳисобланмайди.

Таълим кредитлари, қоидага кўра, қарз олувчи яшайдиган аҳоли пунктида жойлашган тижорат банклари муассасалари томонидан берилади.

Таълим кредитини олиш учун қарз олувчи тижорат банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) таълим кредити бериш тўғрисидаги ариза;

б) талаба ва олий таълим муассасаси ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт). Контрактда ўқишнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим. Ўқиш учун тўлов миқдори кейинги йилларда ўзгарган ҳолларда контрактларга тегишли ўзгаришлар киритилади, бу ҳақда олий таълим муассасаси ўн кун муддатда банкка ёзма равишда маълум қилади, сўнгра қарз олувчи,

банк ва олий таълим муассасаси ўртасидаги кредит шартномасига зарур ўзгаришлар киритилади;

(Давоми 8-бетда).

Ёшлар келажаги банклар нигоҳида

Юртимизда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш замонавий иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини рағбатлантириш йўлида қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4232-сонли Фармони ва 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2124-сонли Қарори ижросини таъминлаш юзасидан 2014 йилнинг ўзида банк тизими томонидан кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Хусусан, йил давомида жойларда, айниқса, республикамизнинг энг чекка туманларида аҳоли, ёш тадбиркорлар ва касб-хунар коллежлари битирувчилари ўртасида 250 дан ортиқ турли тадбирлар – форум, семинар, амалий учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимиятлар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган турли тадбирларда ёш йигит-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилган қонун ва қонун-ости ҳужжатлари мазмун-моҳияти, шунингдек, банклардан кредит олиш тартиби ва бошқа хизматлар, бу борада яратилган имтиёз ва имкониятлар хусусида батафсил маълумотлар берилмоқда.

Ўтказилган ана шундай тадбирлардан сўнг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга қарор қилган ёшларнинг бизнес лойиҳалари тижорат банклари томонидан молиялаштириб келинаётганини рақамларда ҳам кўришимиз мумкин. Ўтган йилнинг ўзида касб-хунар коллежини

битирувчи ёшларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишлари учун тақдим этилган имтиёзли микрокредитлар ҳажми 200,9 млрд. сўмни ташкил этди, бу 2013 йилга нисбатан 1,4 баравар кўпдир. Мазкур кредитлар эвазига 250 минг ёш йигит-қизлар иш жойлари билан таъминланганини эътироф этиш лозим. Шунингдек, 2014 йилда ёш тадбиркорлар, хунармандлар ва фермерларнинг 322,4 млрд. сўмга тенг лойиҳалари ҳам республикамиз тижорат банклари томонидан молиялаштирилди.

Бундан ташқари, ёшларнинг ижтимоий аҳолини янада яхшилаш ва уларнинг таълим олишлари учун кўрсатилаётган молиявий хизматлар ўсиб келаётган ёшлар ҳар соҳада мамлакатимиз тижорат банкларининг эътиборида эканидан далолатдир. «Соғлом бола йили»да минглаб ёшлар уй-жойлари ва оилавий фаровонликларини яхшилаб олиши учун банклар томонидан 234,8 млрд. сўм миқдоридан ипотека кредитлари, 74,4 млрд. сўм миқдоридан эса истеъ-

мол кредитлари тақдим этилди. Шу билан бирга, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш йўлида тижорат банкларининг 90 млрд. сўмдан зиёд маблағлари ҳисобига жойларда кўп қаватли «Камолот» уйлари қурилиб, жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларга топширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлда қабул қилинган «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги қарори юзасидан ўтган йилнинг ўзида банклар томонидан тақдим этилган 68 млрд. сўмдан зиёд миқдордаги таълим кредитлари эвазига минглаб ёшлар олий таълим муассасаларида ўқишини давом эттирмоқда.

Сирасини айтганда, банклар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар иқтидорли ва ишбилармон ёшларимизнинг келажагини мустаҳкамлашда ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ёркин ОЧИЛОВ.

YOSHLAR KAMOLOTI

Тижорат банклари томонидан таълим кредитлари беришнинг ҳуқуқий асоси

(Давоми. Бошланиши 7-бетда).

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида берилган маълумотнома;

г) кредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисида ҳужжат;

д) имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оилалардан чиққанлар тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Қарз олувчи юқоридаги ҳужжатларни банкка тақдим этиш билан айна бир вақтда паспортини шахсан кўрсатади. Банк паспортдан ва тақдим этилган бошқа ҳужжатлардан зарур кўчирмалар ва нусхалар олишга ҳақлидир.

Тижорат банклари қарз олувчи томонидан таълим кредити беришни сўраб банкка тақдим қилинган ариза ва унга илова қилинган тўла ҳужжатлар тўпламини 10 иш куни мобайнида кўриб чиқиши ва кредит шартномасини имзолаши ёки кредит берилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда аризачига кредит беришнинг рад этилиши сабаби кўрсатилган ёзма хулоса бериши лозим.

Олинган кредит қайтарилмаслиги хавфининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи кўйидаги таъминлаш шаклларида бирини банкка тақдим этиши лозим, унинг амалга оширилиши унга қўйилган асосий талаб ҳисобланади:

мол-мулк ёки қимматли қоғазларни гаровга қўйиш; боғларнинг қафолати; учинчи шахснинг кафилиги;

суғурта компаниясининг қарз олувчи кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғур-

та қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кафилиги (фақат чин етимлар ва «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари ва кам таъминланган оилалардан чиққанлар учун).

Банк қарз олувчи томонидан кредит олиш учун тақдим қилинган ариза ва бошқа ҳужжатларни ўрганиб чиқади.

Агар кредитни қайтариш таъминланиши сифатида кафолат ёки кафилик шартномаси тақдим қилинган бўлса, банк кафилининг молиявий аҳволини баҳолайди.

Агар тақдим этилган ҳужжатлар банк талабларига жавоб берса, банк, қарз олувчи ва олий таълим муассасаси ўртасида кредит шартномаси тузилади.

Кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларнинг ўқишига таълим кредитлари

чиқиши ва кредит шартномасини имзолаши ёки кредит берилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда аризачига кредит беришнинг рад этилиши сабаби кўрсатилган ёзма хулоса бериши лозим.

Таълим кредити қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамидан унинг шахсий ёзма топшириғи асосида олий таълим муассасасининг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш йўли билан берилади.

Таълим кредитлари бўйича маблағлар кредит шартномасида қайд этилган шартларда ҳар ярим йилда ўқиш учун йиллик тўловнинг тўлиқ миқдорини икки тенг қисмга бўлиш йўли билан ўтказилади. Бунда янгидан қабул қилинган талабалар учун биринчи ярим йилликда ўқиганлик учун бошланғич тўлов жорий йилнинг 1 октябрига, иккинчи ярим йиллик учун навбатдаги календарь йилнинг 15 мартига тўланади.

Ўқишнинг иккинчи йилдан бошлаб кредит ҳисобига тўловлар ҳар ярим йиллик биринчи ойи (сентябрь ва март)нинг 5-кунидан кечиктирилмай тўланади.

Фоизлар қарз олувчи томонидан кредит шартномасида қайд этилган шартларда тўланади.

Кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларнинг ўқишига таълим кредитлари учун фоизлар қарз олувчи ва Жамғарма томонидан ҳар ойда, ҳисобланган фоизлар суммасининг 1/2 қисми бўйича тенг улушларда тўланади.

Жамғарма ҳисобланган фоизлар суммасини тўлов топшириқномаси билан банк билдиришномаси олингандан кейин уч иш куни мобайнида ўтказилади.

Таълим кредити берилгандан сўнг банк кредит таъминланиши бўйича шартно-

мада кўрсатилган тартибда мониторинг олиб боради.

Бошқа кредит турлари қатори ушбу таълим кредитини ҳам қарз олувчи кредит шартномасида белгиланган муддатдан олдин қайтаришга ҳақлидир.

Таълим кредитлари бўйича маблағлар кредит шартномасида қайд этилган шартларда ҳар ярим йилда ўқиш учун йиллик тўловнинг тўлиқ миқдорини икки тенг қисмга бўлиш йўли билан ўтказилади. Бунда янгидан қабул қилинган талабалар учун биринчи ярим йилликда ўқиганлик учун бошланғич тўлов жорий йилнинг 1 октябрига, иккинчи ярим йиллик учун навбатдаги календарь йилнинг 15 мартига тўланади.

Ҳукуматимиз томонидан ушбу таълим кредити амалиётга кенг татбиқ этилиши ёшларнинг олий ўқув юртларида таълим олишга бўлган иштиёқи ошишига, айниқса, боқувчисини йўқотган чин етимларни ва «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганларни ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларни, шу билан бирга, кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар ва уларнинг ота-оналарини ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга кенг замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги Низом» асосида 2015 йил 1 январь ҳолати бўйича 19 983 та талабага тижорат банклари томонидан жами 68 012,5 млн. сўм миқдорда таълим кредитлари ажратилган бўлиб, уларнинг бугунги кундаги қолдиғи 128 475,3 млн. сўмни ташкил қилади. Шундан, 19 933 таси (67 849,6 млн. сўм) умумий тартибда ажратилган таълим

кредитлари ва 50 таси (162,863 млн. сўм) чин етимлар, «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчиларига ва болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган талабаларга берилган таълим кредитлари ҳиссасига тўғри келади.

Шу билан бирга, ҳукуматимиз томонидан ёшларимизнинг кенг билим олишлари учун уларга ва уларнинг ота-оналарига ижтимоий ҳамда иқтисодий енгиллик яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179-моддаси 31-банди иккинчи хатбосига мувофиқ, фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари даромад солиғига тортилмаслиги белгилаб берилди.

Ҳукуматимиз томонидан юртимиз ёшларига таълим олишлари учун яратилаётган кенг имконият ва шароитлар уларнинг истаган олий ўқув юртларида таълим олишлари, юртимизнинг иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ва маърифий ривожланишида ўзларининг ҳиссасини қўшадиган юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали ҳамда етук кадрлар етишиб чиқишида ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Ҳар бир битирувчи — эътиборда

Фарғона вилоятида касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирилар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида аҳоли бандлигини таъминлаш, аввало, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш ижтимоий сиёсатимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолиши алоҳида таъкидланди.

Фарғона вилоятида ҳам касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга энг

муҳим вазифа сифатида қаралмоқда.

— Касб-хунар коллежлари битирувчиларига кенг имкониятлар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўзи қизиққан соҳа бўйича ишга жойлаштириш доимий эътиборимиздаги масаладир, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи А. Сотволдиев. — Бунда тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар муҳим аҳамият касб этаётир. Ўтган йили ушбу мақсадлар учун битирувчиларга 25 млрд. 734 млн. сўм кредит ажратилди. Шунинг ҳисобидан 21 мингдан ортиқ ёшлар иш билан таъминланди.

Жорий ўқув йилида вилоятдаги касб-хунар коллежларини 57 минг 800 дан



зиёд ўғил-қиз тамомлайди. Айни кунларда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳар бир туман ва шаҳар бўйича касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган касбига мувофиқ ишга жойлаштириш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга

оширилмоқда. Касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳақида барча маълумотлар жамланиб, амалиёт ўташини

ташкил этиш ҳамда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш учун ўқувчилар корхона ва ташкилотларга шартнома асосида бириктирилди.

Тошлоқ агросаноат касб-хунар коллежида 1 минг 779 ўқувчи етти йўналиш бўйича таҳсил олмоқда. Бу ерда уларнинг ўз мутахассислиги бўйича пухта билим эгаллаши учун барча шароитлар яратилган. Ўқув устахоналари, ахборот-ресурс маркази, спорт зали улар ихтиёрида. Жорий ўқув йилида коллежни 617 ўғил-қиз тамомлайди. Коллеж директори Робия Толипованиннг айтишича, битирувчиларни иш билан таъминлаш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, ижроси тўлиқ таъминланмоқда. Ҳозирга қадар 80 фоиздан ортиқ битирувчи билан уч томонлама шартномалар тузилди.

ЎЗА материали асосида.

KREDITLAR SAMARASI

Касбига ўзини бахшида этиб

Тижорат банклари ўртасида аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича ўтказилган танловнинг 2014 йилги натижаларига кўра, «Йилнинг энг яхши кассири» деб «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг Наманган вилояти Тошлоқ филиали касса амалиёти касса мудараси Ражабхон АХМАДАЛИЕВА эътироф этилди.



Аҳоли бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш бўйича анъанавий равишда ўтказилаётган танловда ҳар бир номинация олдига ўзига хос муҳим талаблар кўйилган. Хусусан, унда «Йилнинг энг яхши кассири» лауреатлигига узоқ йиллардан буён тизимнинг ушбу йўналишида намунали меҳнат қилиб келаётган энг иқтидорли мутахассислар лойиқ кўрилади. Бундан кўзланган мақсад банк ходимларининг узоқ йиллик самарали меҳнат фаолиятини қадрлаш ва рағбатлантиришдан иборат бўлиб, унда банк мутахассислари орасидан фақат энг муносиблари танлаб олинади. Бугун улар орасида наманганлик Ражабхон Ахмадалиева ҳам бор.

– «Йилнинг энг яхши кассири» бўлиш мен учун улкан шараф, – дейди чексиз ҳаяжон билан қаҳрамонимиз Ражабхон опа Ахмадалиева. – Банк тизимининг энг қуви тузилмасида ишлаб, бир кун мана шундай юксак номга сазовор бўлиш ҳеч хаёлимдан ўтмаган. Бугун соҳадаги 35 йиллик меҳнатим муносиб баҳоланди. Бунинг учун танлов ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Ражабхон Қаҳҳаровнани ҳеч иккиланмай шу доирадаги банк ходимлари орасида масъулиятли ва салоҳиятли мутахассис дейиш мумкин. Зеро, касса мудараси бўлиш кишидан жуда кучли диққат-эътибор талаб этади. Кассирлар кенг доирадаги банк амалиётларини амалга оши-

ради. Ҳисоб рақамларни текшириш, пул тарқатиш ва қабул қилиш ҳужжатлари ҳамда ҳисоб-китоб чекларини расмийлаштириш, омонат ҳисобва-рақларини очиш, шунингдек, мижозлардан коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш шулар жумласидандир. Улар ҳар қандай тўловларни амалга оширишда ҳужжатларни тўлиқ текширувдан ўтказиш, сана, муддат ва ҳисоб рақамларини бирма-бир солиштиради. Шунингдек, кассирларнинг асосий эътибори пул маблағларининг ҳисобига қаратилади. Улар мижозларнинг турли ҳисоб-китоб ва бошқа молиявий хизматларидан бохабар бўлиб туради.

Кассирлар, айниқса, пул маблағлари ва ҳужжатлар билан ишлашда ўта эътиборли бўлиши ва батартибликка риоя этишлари лозим. Бундан ташқари, иш юритишда психологик нуқтаи назар ҳам ўта муҳим. Кун давомида жуда кўп тоифадаги мижозларни қабул қилиши эса, ўз навбатида, хушмуомалалик ва сабр-тоқатлиликни тақозо қилади.

Ражабхон Ахмадалиевада ушбу жиҳатларнинг барчаси мужассам. Эътиборли томони, қаҳрамонимиз касб сирларидан тортиб, ўзидаги барча ижобий фазилатларни жамоасидаги шогирдларига ҳам ўргатиб келмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунда республикамизнинг молия-банк тизимини ривожлантиришда Ражабхон Ахмадалиева каби мутахассислар роли жуда муҳим. Касбда юксак маҳоратга эга бўлиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва ёш мутахассисларни тарбиялашда ўз куч-ғайратини аямаётган бундай кадрларни ўз вақтида қадрлаш ва эъзозлаш давр талаби. Шундай экан, 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида тахририятимиз жамоаси, қолаверса, юртимиздаги барча банк ходимлари номидан Ражабхон Ахмадалиевани ҳам ушбу ютуқ билан табриклаб, тан-сихатлик, оилавий кувонч ва умри давомида баҳорий кайфият ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз.

Наргиз АХМЕДОВА.

Фаровонлик асоси

Қишлоқ жойларда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда муҳим омилардан бири.

Навбахор туманининг Шўртепа қишлоғида 3 йилдан буён иш олиб бораётган «Афросиёб гулшани» хусусий тикувчилик корхонасида айни пайтда 12 нафар ишчи меҳнат қилади. Улардан 8 нафари коллеж битирувчисидир.

Бугунги кунда цехда катталар ва болалар кийимлари, коржомалар ҳамда замонавий пардалар тикилмоқда. Мазкур корхона 2013 йилда 32 млн. сўмлик имтиёзли банк кредити эвазига замонавий дастгоҳлар олиб келиб, фаолиятини бошлаган эди. Ҳозирда 30 турдаги маҳсулот асосан ҳудуддаги корхона ва ташкилотлар ҳамда савдо нуқталарига буюртма асосида етказиб берилаётди. Ўтган йили чеварлар жами 100 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди.

– 2014 йилда «Энг яхши аёл тадбиркор» республика танловида Голиб бўлган эдик, – дейди корхона раҳбари Гулшан Олтинова. – Бунинг эвазига ҳозирда 50 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиш арафасидамиз. Жорий йилда биномизни корхона тасарруфига олиш ва уни таъмирлашни режалаштираяпмиз. Албатта, бу биз учун катта қулайликлар яратади.

Эндиликда корхона янги тикув машиналари олиб келишни ҳам режалаштирмоқда. Мазкур дастгоҳлар келтирилгач, яна 6 та янги иш ўрни яратилади.

«Туркистон-пресс» НАА.

Кредитлар ишлаб чиқариш ривожидида

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки республикамиздаги йирик инвестиция муассасаси сифатида иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этмоқда.

Бу борада бугунги кунда банк имконияти етарли даражада. Ривожланган инфратузилмаси туфайли муассаса хизматларидан юртимизнинг барча ҳудудларида аҳоли бирдек баҳраманд бўлмоқда.

Шунга қарамай, банк жамоаси кўрсатилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш, молиялаштириш ҳажминини ошириш мақсадида излашда давом этмоқда. Капитали ва кредит ресурсини шакллантиришда ички имкониятлардан самарали фой-

лаётган импорт шартномаларини молиялаштириш мақсадида 100,0 млн. АҚШ долларилек узоқ муддатли кредит йўналишини тақдим этиш учун ҳам битим имзоланган. Бугунги кунга қадар унинг доирасида 35,7 млн. АҚШ долларилек 45 та лойиҳа молиялаштирилгани диққатга сазовордир.

Муассаса томонидан 2014 йил давомида соҳага йўналтирилган миллий валютадаги кредитлар ҳажми 1,3 трлн. сўмни ташкил этди. Ушбу маблағларнинг 239,74 млрд. сўми озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини кенгайтириш, замонавий технологик ускуналар харид қилиш ва 170,85 млрд. сўми ноозиқ-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда рағбатлантирувчи омил бўлса, 20,7 млрд. сўмлик сармоя чорвачиликни ривожлантириш, яъни деҳқон ва фермер хўжалик-



даланмоқда, қолаверса, ташқи иқтисодий фаолиятини янада кенгайтириб, хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларни чуқурлаштирмоқда. Буларнинг бари банкнинг миллий иқтисодиётни тараққий эттиришдаги ролини оширмоқда. Буни банк кредит портфелидаги жорий ҳолат ҳам ифодалайди. Яъни, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ТИФ Миллий банки кредит портфели ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,8 фоизга ўсиб, 8,04 трлн. сўмни ташкил қилди. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари капиталлашув даражасини янада кўпайтириш ва молиявий барқарорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида ажратилган хорижий ва миллий валютадаги кредитлари ҳисобига эса қарийб 12 минг 670 та иш ўрни яратилди.

Муассасанинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлашдаги фаолияти алоҳида эътиборга молик. Бу борада банк ўз маблағлари билан бир қаторда хорижий кредит линияларни ҳам жалб қилиб келмоқда. Хусусан, ТИФ Миллий банки ҳамда Корей экспорт-импорт банки ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини молиялаштирашга қаратилган умумий қиймати 60 млн. АҚШ долларилек узоқ муддатли кредит йўналишини ўзлаштириш бўйича кредит битими мавжуд бўлиб, унга кўра ҳисобот даврида 10,56 млн. АҚШ долларилек 15 та лойиҳа молиялаштирилди.

Бундан ташқари, ТИФ Миллий банки ва Хитой давлат тараққий банкни ўртасида товар ва хизматлар бўйича тузи-

ларида қорамоллар бош сонини кўпайтиришга сарфлангани билан аҳамиятлидир. Шунингдек, ўтган даврда кичик бизнес субъектлари банкнинг 205,0 млрд. сўм миқдоридаги микрокредит хизматларидан ҳам самарали фойдаланишди.

ТИФ Миллий банки Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4053-сонли Фармони-га мувофиқ, иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш борасида ҳам ижобий натижаларга эришмоқ-



да. Чунончи, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банк балансида қабул қилинган 68 та корхона фаолиятини қайта тиклаб, уларнинг 40 тасини янги мулкдорларга сотишга, 27 тасида замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга муваффақ бўлди. Бунинг учун 181,8 млрд. сўм, шу жумладан, 2014 йилда 38,7 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилиб, кенг қўламли модернизациялаш тадбирлари бажарилди. Пировардида фаолияти тикланган мазкур корхоналар томонидан жами 392,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг 40,7 млн. АҚШ доллари (шу жумладан, 2014 йилда 26,1 млн. АҚШ доллари) миқдоридаги қисми экспорт қилинди. 4 971 та доимий иш ўрни яратилди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

SUG'URTA BOZORI

«Ўзагросуғурта» навқирон 18 ёшда

Бугунги кунда Ўзбекистон суғурта бозорида 33 та суғурта компанияси фаолият юритиб, улар орасида «Ўзагросуғурта» ДАСК (АЖ) катта тажрибага эга муассаса саналади.



Жорий йилда мазкур суғурта ташкилоти фаолиятига 18 йил тўлди. Шу муносабат билан компания бошқарувида тадбир ташкил этилиб, унда ўтган даврда муассаса томонидан эришилган натижалар сарҳисоб қилинди, тизимни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган соҳа фахрийлари ва фаол ходимлар рағбатлантирилди.

«Суғурта соҳасида барқарорликка эришиш жуда кўп омилларни ўз ичига олади. Булар айтилган пайтда тажриба, тарғибот ва технологиялар эканлиги алоҳида таъкидланса-да, у хоҳ суғурта ёки бошқа соҳа бўлсин кўзланган мақсадга эришиш жамоавий жипсликдан бошланиши ҳаётий ҳақиқатдир. Бизни мана шундай яқдил ишлашга ўргатган устозларимиз – соҳа фахрийларидан миннатдоримиз», деди тадбирда сўз олган «Ўзагросуғурта» ДАСК бошқаруви раиси Фарҳод Каримов.

Маълумки, «Ўзагросуғурта» компанияси фаолиятининг дастлабки даври қишлоқ хўжалиги тармоғини суғурталашга бағишланди. Ҳозирги кунга келиб эса, муассаса республика суғурта бозорида универсал суғуртачи

сифатида соҳанинг 17 тоифаси бўйича 100 дан ортиқ хизматларни таклиф этмоқда. Компания қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурталаш, аҳоли суғуртаси, бизнесни суғурталаш йўналишларида хизмат кўрсатиб, мижозлар сонини йилдан-йилга ошириб бормоқда.

Ташкилот инфратузилмаси Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳар дирекциялари, 200 дан ортиқ туман ва шаҳар бўлинмаларидан иборат бўлиб, тизимдаги 2142 дан ортиқ суғурта агенти фао-

лияти билан мамлакатнинг энг чекка ва узоқ ҳудудларидаги мижозларга ҳам сифатли суғурта хизматлари кўрсатилмоқда.

1997-2001 йилларда компания томонидан 35 та суғурта тури бўйича хизмат кўрсатилган бўлса, 2010 йилда 88 та, 2015 йилга келиб эса улар сони 100 дан ортди. 1997 йилдан ҳозирги давргача муассаса активлари 55 марта ўсиб, 111,4 млрд. сўмга етди, устав жамғармаси 15, асосий воситалари 35, инвестиция қўйилмалари эса 63 баробарга ошди.

«Ўзагросуғурта» компания-

си «SAIPRO» ахборот-агентлиги томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган Тошкент Халқаро инвестицион-молиявий форумида фаол иштирок этиб, салмоқли натижаларни қўлга киритмоқда. Хусусан, 2012-2013 йилларда ушбу форумда муассаса «Энг яхши суғурта компанияси» сифатида «Олтин соябон» мукофотиغا сазовор бўлди.

2014 йилнинг декабрида «CERT international» сертификатлаштириш ташкилоти томонидан компания фаолияти ISO 9001:2008 стандарти талабларига мувофиқлиги тасдиқланиб, унга халқаро стандартдаги сертификат топширилди. Бу, ўз навбатида, муассаса томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати ва иш жараёнининг яхшила-

нишига, рақобатбардошликни оширишга, жаҳон бозорида халқаро номга эга бўлиш ва ташқи иқтисодий фаолиятни янада самарали юритишга хизмат қилмоқда.

Тадбирда «Ўзагросуғурта» компанияси томонидан тарғибот ва ташвиқот ишларини чуқурлаштириш ва замонавий ахборот технологиялари асосида хизмат кўрсатишни такомиллаштириш борасида чора-тадбирлар давом этаётганлиги таъкидланди. 2014 йилда барча телефон тармоғи орқали бўладиган мурожаатларни ягона тармоқ асосида юритиш ва назорат қилиш, шу билан бирга, 24 соат давомида мижозлар саволларига тўлиқ жавоб бериш ва шу орқали улар ишончини юксалтириш мақсадида тизимда «Call centre» хизмати жорий қилинганлиги айтиб ўтилди. Шунингдек, «Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан янги суғурта хизмат турлари ишлаб чиқилаётганлиги, коммуникация технологиялари йўналишида янги платформа учун қўшимча равишда Fujitsu русумли сервер қурилмалари сотиб олинганлиги маълум қилинди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

«Суғурта — болалар нигоҳида»

«Кафолат» ДАСК (АЖ)нинг Тошкент шаҳар филиали «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда эълон қилган расмлар танлови ана шундай номланади.



Танловга Тошкент шаҳридаги барча умумтаълим мактабларининг 5-9-синф ўқувчилари жалб этилиб, улар эътиборига «Суғурта менинг тасаввуримда», «Суғурта билан келажак сари» ва «Кафолат» 18 ёшда» каби мавзулар тақдим этилди.

Тадбир доирасида 30 нафар суғурта тарғиботчиси томонидан пойтахтимиздаги барча умумтаълим мактабларида «Суғурта тушунчаси ва унинг афзалликлари» мавзуида семинар ташкил қилинмоқда. Кенг жамоатчилик, хусусан, ёшлар ўртасида суғурта маданиятини шакллантириш, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, улар ўртасида мамлакатимизда суғурта соҳасида яратилган имкониятлар, шарт-шароитларни кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилаёт-

ган ушбу тадбирлардан бири яқинда Яккасарой туманида жойлашган 144-сонли ҳамда Олмазор туманидаги 243-сонли мактаб ўқувчилари иштирокида бўлиб ўтди.

Унда суғурта соҳасида бугунги имкониятлар атрофлича тушунтирилди, айтилган пайтда «Кафолат» ДАСКда амалда бўлган, айнан улар ёшига мос суғурта хизматлари хусусида маълумот берилди.

Жумладан, тадбир давомида иштирокчилар компаниянинг «Мактаб ўқувчиларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш» бўйича суғурта хизматининг афзаллик томонлари билан яқиндан танишди.

Таъкидлаш жоиз, бугунги кунда «Кафолат» ДАСК (АЖ) ўз инфратузилмаси, хизматлар қўлами ва фаолият маҳсулдорлиги жиҳатидан суғурта бозорининг илғор иштирокчиларидан бири саналади. Шундай бўлишига қарамай, муассаса ўз стратегиясини такомиллаштириб, бозор мавқеини мустаҳкамлаш чораларини кўрмоқда. Аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматлари сифатини ошириш ҳамда уларни суғуртавий ҳимоялаш доирасини кенгайтириш мақсадида ташкил қилинган мазкур тадбир ҳам компаниянинг ана шу мазмундаги ишлари намунасиридир.

Эслатиб ўтамиз, «Суғурта – болалар нигоҳида» номли танлов натижалари бўйича ғолибларни тақдирлаш маросими жорий йилнинг 14 март куни «Ёшлар ижодиёт саройи»да бўлиб ўтади.

Ширин БАЙСЕНОВА.

Хориж тажрибасига таяниб

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси (ЭИМСК) томонидан экспорт кредити ва инвестиция суғуртаси соҳасида Япония тажрибасини ўрганишга бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.

«Ўзбекинвест» ЭИМСК хорижий суғурта компаниялари тажрибасини ўрганиш, унинг мувофиқ жиҳатларини ўз фаолиятида жорий этиш ва шу орқали халқаро суғурта бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида хорижий экспорт-кредит агентликлари билан доимий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, муассаса Япония Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги ҳамда Япония экспорт-кредит агентлиги билан ҳамкорликда экспорт-кредит бўйича мута-

Бразилия, Хитой, Гонконг, Индонезия, Мянма, Туркия, Вьетнам ва Жанубий Африка Республикасининг экспорт-кредит агентликларидан ҳам вакиллар таклиф этилди.

Тренинглар жараёнида иштирокчилар Япония Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги, Япония экспорт-кредит агентлиги ва Япония инвестицияларни жалб қилиш ва экспортни ривожлантириш бўйича ташқи савдо ташкилотининг инвестиция ва экспорт-кредит суғурта соҳасидаги



хассислар иштирокида ҳар йили малака ошириш тадбирларини уюштириб, суғурта савдоси ва инвестицияга масъул суғурта мутахассисларини ўқитиб келади.

Мазкур бир ҳафталик семинар-тренинг ҳам компаниянинг шу йўналишдаги навбатдаги тадбирларидан бири бўлиб, унга

тажрибаларини ўрганиб, бошқа экспорт-кредит агентликлари вакиллари билан ўзаро тажриба ва фикр алмашиб, келажакда мамлакатимизда ушбу тизимни янада такомиллаштириш бўйича ўз билим ва малакаларини оширишга муваффақ бўлди.

Назира МАВЛОНОВА.

IQTISODIYOT TARMOQLARIDA

Қонун устуворлиги — соғлом рақобат гарови

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида «Республикада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва инсофсиз рақобатга қарши амалга оширилаётган ишлар тўғрисида (интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар бузилиши ҳолатлари бўйича)» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг раҳбар ва ходимлари ўз маърузалари билан иштирок этди.

Миллий иқтисодиётимизда соғлом рақобат муносабатлари ривожланиб бориши, бозор иқтисодиётининг реал сектори корхона ва ташкилотларини, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматларни индивидуаллаштиришни таъминловчи саноат мулк объектлари, яъни товар белгилари тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Маълумки, ишлаб чиқарилаётган товар ёки хизмат белгиси ишлаб чиқарувчини истеъмолчи билан боғ-

ловчи кўприқдир. Кенгроқ айтганда, товар белгиси истеъмолчи турли хизматлар ёки кўп сонли маҳсулотлар ичидан ўзига маъқулини, ким томонидан ишлаб чиқарилаётгани ёки тақдим этилаётганини аниқлаштириб олишига кўмаклашади. Тадбиркорлик субъектига тегишли товар белгиси ҳуқуқий жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунида қайд этилган тартибда рўйхатдан ўтказилади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ра-

вишда муҳофаза қилинади.

Сўнги пайтларда қўмита фаолиятида баъзи хўжалик субъектлари инсофсиз рақобатга қўл уриб, аввал рўйхатдан ўтказилган маҳсулот белгиларидан ноқонуний тарзда фойдаланаётганликлари кўзга ташланмоқда. Инсофсиз рақобат тушунчаси 2006 йилдан буён республикада иқтисодий тушунча сифатида ишлатилиб келинмоқда.

Соғлом рақобат ва инсофсиз рақобат ҳолатлари Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январда қабул қилинган «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади. Агарда инсофсиз рақобат ҳолатлари қайд этиладиган бўлса, аввало, монополияга қарши орган томонидан истеъмол бозоридан рақобатлашаётган маҳсулотларнинг қайси бири рўйхатга олинганлигига эътибор қаратилади. Мазкур жараёнда ўз маҳсулотининг товар белгисини рўйхатдан ўтказган хўжалик субъектининг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, интеллектуал мулк бўйича ваколатли орган ёки судга мурожаат этилади.

– Монопол ва устун мавқега эга иш юритувчи хўжалик субъектларининг маҳсулот ва хизматлари сифати ҳамда кафолатини кучайтириш, уларнинг нархлари муқобиллигини таъминлаш, истеъмолчиларнинг харид талабини қондириш орқали макроиқтисодий кўрсаткичларни ошириш республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади, – дейди **Давлат рақобат қўми-**

тасининг Рақобат муҳитини ривожлантириш Бош бошқармаси бошлиғи Нажмиддин Шарипов.

– Мамлакатимизда соғлом рақобат ва ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш қўмита олдида қўйилган асосий вазифалардан биридир. 2014 йилнинг ўзида инсофсиз рақобат тушунчаси доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан қўмитага келиб тушган 56 та мурожаат атрофлича ўрганилиб, улар бўйича 42 та иш қўзғатилди. Мазкур жараёнларда қонунбузарликка йўл қўйган тадбиркорлик субъектларига нисбатан тегишли чоралар кўрилиб, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотуви бозордан чиқариб ташланди. Инсофсиз рақобатга чек қўйиш ва тадбиркорлик субъектларининг ўз номи, ишлаб чиқараётган маҳсулот ёки хизматига нисбатан ҳуқуқларини ҳимоя қила олишлари, худди ўзиникига ўхшаб кетадиган ном остида маҳсулот ишлаб чиқариб ёки хизмат кўрсатиш орқали бозорда фаолият юритаётган рақобатчиларига нисбатан қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш кераклиги борасидаги маълумотлардан хабардор этиш мақсадида қўмитамиз томонидан ОАВ ходимлари иштирокида кўплаб ўқув-семинарлари, тадбирлар ва матбуот анжуманлари ташкил этилмоқда. Шунингдек, мазкур соҳа вакиллари қўмитанинг www.gki.uz расмий веб-сайти орқали мунтазам равишда керакли маслаҳатлар бериб боришмоқда.

Рашид МИРЗАКАРИМОВ.

Кўргазма муҳим саноат тармоқларини бирлаштирди

«UzBuild» мамлакатимиз курувчиларининг энг йирик кўргазмаси бўлиб, у тармоқ янгиликлари ва ютуқларини намойиш этувчи энг муҳим тадбирга айланган.

Жорий йилда кўргазма иштирокчилари учун энг катта янгилик – бу мобиль илованинг йўлга қўйилганлиги бўлди. У саноат хабарлари, қатнашчи компаниялар таснифи, уларнинг кўргазмада жойлашиш тартиби, экспозициянинг иш вақтлари, таклифнома олиш ҳамда тармоқ мутахассислари билан on-line мулоқот олиб бориш имкониятларини ўз ичига олган.

Кўргазма жорий йилда ҳам соҳа мутахассисларини қурилишни ривожлантиришдаги устувор масалаларни муҳокама этиш, тажриба алмашиш ва ўтган давр мобайнидаги натижаларни сарҳисоб қилиш учун бир жойга жамланди. «UzBuild»нинг дастлабки фаолиятида 20 га яқин компания ўз брэндини намойиш этган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони минггага яқинлашди.

«UzBuild» ва «Aqua-Therm Tashkent» халқаро кўргазмалари 20 та иштирокчи мамлакат, жумладан, Германия, Италия, Австрия, Эрон, Хитой, Корея, Польша, Туркия, Ўзбекистоннинг 164 та компанияси-

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуасида бир вақтда учта кўргазма – қурилиш соҳасига ихтисослашган XVI «UzBuild-2015», мебель ва ишлаб чиқариш технологиялари – XII «MebelExpo Uzbekistan-2015» ҳамда иситиш ва ҳавони тозалаш IV «Aqua-Therm Tashkent-2015» халқаро кўргазмалари иш бошлади.



ни бирлаштирди.

Кўргазманинг жорий йилги мавсумида қурилиш материаллари, маҳкамлаш, қурилиш асбоблари, интерьер, ландшафт ва дизайн, дераза ва эшиклар ҳамда қурилиш кимёси каби соҳалар етакчилик қилди. Мазкур тадбирда Швейцариянинг АВВ компанияси вакиллари илк бор иштирок этиб, юртимизда электротехника, транспорт, инфратузилма ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш учун зарур бўлган ускуна ва технологияларини етказиб берувчи расмий ваколатхона очганлигини эълон қилди.

– «UzBuild» мамлакатимизда қурилиш саноатини модернизациялаш, соҳада инновацияларни жорий қилиш, қурилиш хомашёси ва маҳсулотларининг сифат жиҳатидан жаҳон бозори талабларига интеграциялашувини таъминлашда алоҳида ўрин тутади, – дейди **«Ўзқурилиш материаллари» АК бошқарма бошлиғи Ислом Арслонов.** – Шунингдек, кўргазма импорт ҳажмини пасайтириб, экспорт амалиётларини ривожлантиришда воситачилик қилмоқда. 2014 йилда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ўтган даврга нисбатан

10,7 фоизга ўсиб, тармоқнинг республика саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги солиштирма қиймати 6,1 фоизни ташкил қилди. Цемент, гишт, бетон, сунъий тошдан қурилиш блоклари каби экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш 1,6 бараварга ортиб, 61 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулотлар экспорт қилинди.

«Сув ҳавзалари» ва «Иқлим учун ускуналар» шўъбалари («Aqua-Therm Tashkent-2015»)да ҳам экспозициялар мазмунан бойиди. У ерда сув тозалаш, иситиш, иқлимни мўътадиллаштириш ускуна-

лари, қувур ва фитинглар, сантехника жиҳозларининг энг сўнги намуналари тақдим этилди. Улар орасида Дания, Австрия ҳамда Германия компаниялари катта жой эгаллади.

«MebelExpo Uzbekistan-2015» экспозициясида жаҳоннинг 15 мамлакатидан 70 та компания стендлари ўрин олди. Кўргазмада, шунингдек, мебель, жиҳозлаш ва дизайн ашёлари ҳамда мебелнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи 17 та маҳаллий корхоналар ҳам фаол иштирок этди.


– Юртимизда аҳоли даромадларининг ошганлиги айнан мебель саноатида намоён бўлмоқда, – дейди **«Файз» холдинг компанияси вакили Фурқат Баратов.** – Илгари харидорлар мебель товарларини яқка тартибда сотиб олишган бўлса, бугунги келиб, уларнинг тўпلام кўринишига талаб ортмоқда. Бу ҳолат биз каби ишлаб чиқарувчиларни қувонтириши билан бирга, зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Ҳозирда республикада 1 380 дан ортиқ мебел ишлаб чиқарувчи корхона мавжуд бўлса, уларнинг барчаси бир мақсад йўлида – импорт товарлари ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилмоқда.

Гулшан ЮСУПОВА.

XABARLAR, VOQEALAR

Ҳамкорлик алоқалари доирасини кенгайтириб

Чет эл капитали иштирокидаги «Ҳамкорбанк» акциядорлик-тижорат банки Марказий ва Шарқий Европа банклари уюшмаси (Association for Central and Eastern Europe – BACEE)нинг доимий аъзосига айланди.



Банк билан уюшма ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома «Ҳамкорбанк» АТБ Бошқаруви раиси О.Тўражонов ва БАСЕЕ Бош котиби жаноб И.Лендел томонидан имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимида мазкур уюшмада Марказий ва Шарқий Европа банклари, банк махсулотлари, технологиялари, банк маркетинги, банк бизнеси учун стратегия ва бошқарув қарорлари бўйича сўнгги ишланмалар ҳақидаги ахборотнинг муҳим манбаси ҳисобланмиш бетакрор маълумотлар базаси тўпланганлиги таъкидланди. Уюшма аъзолари бўлмиш банклар эса унинг имкониятларидан эркин фойдалана оладилар.

Айтиш жоизки, БАСЕЕ 1996 йилда уюшма аъзолари

бўлмиш банклар ҳамда Марказий ва Шарқий Европадаги молиявий муассасалар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш ва кучайтириш мақсадида ташкил этилган. Уюшманинг доимий аъзолари ўз ҳуқуқларининг барчасидан фойдаланиш – тадбирларда иштирок этиш, турли ахборотларни олиш ва умумий мажлисда овоз бериш имкониятига эгалар.

БАСЕЕга аъзолик хорижий банклар билан ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро бозорларга чиқиш, жаҳон тажрибасидан баҳраманд бўлиш, янги банк махсулотлари ва технологияларини илгари суриш йўлидаги яхши обрў-эътиборга эга барча банклар учун очкидир.

Уюшманинг банкка так-

лиф этадиган хизматлари – банкнинг хорижий бозорларга чиқишига кўмаклашиш, хорижий банк-ҳамкорлар, кредиторлар ва салоҳиятли инвесторларни топшида ёрдам бериш, кредит линияларини жалб этиш ва молиялаштириш имкониятларини қидириш, Ўзбекистонда турли семинарларни ташкил этиш, шунингдек, банк вакиллари учун уюшма томонидан ташкил этиладиган профессионал тадбирларга таклиф этишдан иборат. Масалан, жорий йилнинг апрель ойида Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида ўтказиладиган БАСЕЕнинг 30 йиллик юбилей конференциясида «Ҳамкорбанк» вакиллари иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Жасур МИРЗАЕВ.

20 мингинчи автомобиль

Самарқанд автомобиль заводида йигирма мингинчи автомобиль ишлаб чиқарилди. Шу муносабат билан бу ерда тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Заводнинг 20000-автомобили номига сиқилган табиий газ билан ишлайдиган «Isuzu NPR82» русумли автомобиль сазовор бўлди.

Тантанали тадбирда «Isuzu Motors», «Itochu Corporation» ва «Ўзавтосаноат» АК раҳбарлари иштирок этиб, бундай автомобиллар юқори техник хусусиятлари ҳамда замонавий дизайни билан Ўзбекистон автомобиль саноати бозорини ривожлантириш ва иқтисодиётини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишини алоҳида таъкидлашди.

– Самарқанд автомобиль заводининг йигирма мингинчи автомобили ишлаб чиқарилганлиги муносабати билан ташкил этилган тадбирда иштирок этиш мен учун катта бахт, — деди «Isuzu Motors»



компанияси ижрочи президенти Таканобу Фурута. – Юбилей автомобиль сифатида мазкур табиий газ ёрдамида бошқариладиган автомобиль эътироф этилгани жуда қувончлидир. Бу автомобиль экологик транспортнинг янги авлоди сифатида барча талабларга жавоб беради.

Табиий газ ёрдамида автомобиль двигателларини ҳаракатга келтириш тенденцияси ҳозирда бутун дунё бўйлаб оммалашган бўлиб, унинг афзаллиги арзонлиги ва заҳарли газларни кам ажратиш билан белгиланади.

Самарқанд автомобиль заводи табиий газ билан ишлайдиган автомобиллар ишлаб чиқаришни 2011 йилдан бошлаб йўлга қўйган.

Вазирлар Маҳкамаси то-

монидан тасдиқланган лойиҳа доирасида Самарқанд автомобиль заводи 2014-2015 йилларда 1000 тадан кўпроқ CNG – чикинди ташуш автомобиллари ишлаб чиқаришга буюртма олган бўлиб, бундан ташқари, фургон, борт бўлмаси ва самовалдан иборат учта кузовли CNG – автомобилларини ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирди. Ушбу лойиҳа самарасида Ўзбекистондаги ободонлаштириш ва санитар тозалаш йўналишидаги автомобиль парки таркиби янгиламоқда.

Таъкидлаш керакки, Самарқанд автомобиль заводи автобуслар, юк ташиш ва бошқалар учун мўлжалланган махсус автомобиллар ишлаб чиқаради. Фаолиятини 1999 йил мартида бошлаган завод 2006 йилда «Самарқанд автомобиль заводи» ОАЖ («СамАвто») сифатида қайта номланган ва «Isuzu Motors» билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Заводда бугунги кунда М3 I ва II класс автобуслар, шунингдек, паст полли шаҳар автобуслари, N класс автомобиллар (N2 класс, 5000 кг. гача юк кўтаради) ва F (N3 класс, 9000 кг. гача юк кўтаради) махсус юк машиналари, улар учун 30 дан зиёд турдаги кузовлар ишлаб чиқарилмоқда.

«Туркистон-пресс» НАА.

Реклама

БАНК ХИЗМАТЛАРИ, УСКУНАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ 2015
ВАНКЕКХРО 12-13 МАРТ

Ташкилотчи: Ташкилотчи ханкорлар, Бош ханкор, Техник ханкор, Ахборот ханкорлар

Ҳизматлар лицензияланган.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Акмал НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

Анвар АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

Газета «Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖнинг компьютер базасида саҳифаланди

АХБОРОТ КЎМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,

Ғ. Мавлонов кўчаси,

1а-уй, 3-қават.

e-mail: info@banknews.uz

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
234-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.

Кўлёмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чоп этилади.

Буюртма № 2051

Адади: 10236 нусха.

Нархи шартнома асосида.

Газета АЗ ҳажмида, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 3.03.2015 й.